



ОЛИЙГОҲЛАР БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш юзасидан тақдимот билан танишди.

2026 йилда республика олийгоҳларини 320 минг нафар талаба битириши кутилмоқда.

Сўнгги йилларда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш кўлами сезиларли кенгайгани туфайли меҳнат бозорига кириб келаётган битирувчилар сони ҳам ортиб бормоқда.

Уларнинг бандлигини таъминлашда битирувчилар билан индивидуал ишлаш, уларни иқтисодиёт тармоқларидаги бўш иш ўринларига йўналтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, олийгоҳларда карьера марказлари имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Битирувчиларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини имтиёзли шартларда молиялаштириш бўйича “Келажакка қадам” дастури йўлга қўйилган бўлиб, унинг доирасида 2025 йилда 6 мингдан ортиқ лойиҳалар учун 378 миллиард сўм маблағ ажратилган. Бунинг натижасида 8 минг нафарга яқин битирувчиларнинг бандлиги таъминланди.

Тақдимотда 2026 йилда 8 мингдан зиёд лойиҳаларни молиялаштириш учун 500 миллиард сўм маблағ йўналтириш, 10 мингга яқин ёшларни банд қилиш режалаштирилгани маълум қилинди.

Мазкур дастурни унда иштирок этувчи тадбиркорлик субъектларига қўшимча молиявий имкониятлар тақдим этиш орқали янада кенгайтириш тақлиф этилди.

Шунингдек, “TalaбаEхро-2026” касб кўргазмаларини иш берувчи ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларини фаол жалб этган

ҳолда республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам самарали ташкил этиш заруриги кўрсатиб ўтилди.

Битирувчилар бандлигини таъминлашда вазирилик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, йирик хўжалик бирлашмалари масъулиятини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Барча жараёнлар бандликка кўмаклашувчи “career.edu.uz” платформаси орқали мониторинг қилиниб, бандликни таъминлаш масаласи маҳаллий ҳокимликлар даражасигача туширилади. Натижада битирувчилар билан ишлашнинг вертикал тизими йўлга қўйилади.

Шу билан бирга, талабаларни иш билан банд қилишда олийгоҳ даражасида ишларни тизимли йўлга қўйиш бўйича янги механизмлар тақлиф қилинди.

Жумладан, барча олийгоҳларда карьера марказлари фаолияти тўлиқ йўлга қўйилиб, натижадорлигига қараб рағбатлантириб борилади. Марказлар фаолияти “Битирувчи сифати индекси” орқали баҳоланиб, энг юқори натижа кўрсатган 20 та олийгоҳнинг карьера марказларига 500 миллион сўмдан ажратилади.

Жорий йилда олийгоҳ миқёсида 360 та, факультетлар миқёсида 750 та меҳнат ярмаркалари ҳамда ҳар бир йўналиш кесимида мингдан ортиқ иш берувчилар билан учрашувлар (воркшоплар) ташкил этилади.

Шунингдек, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб талабаларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларни бизнес юритиш учун мавжуд имкониятлар билан таништириш

мақсадида барча олийгоҳларда “Тадбиркорлик асослари” фанини ўқитиш йўлга қўйилади.

Шу билан бирга, олийгоҳларда талабаларнинг стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, ташкил этиладиган спин-офф корхоналарига талабаларни жалб этиш, кафедраларнинг тегишли тармоқ корхоналарида филиалларини очиб, битирув лойиҳалари ҳимоясини иш берувчи корхоналарда ўтказишни кенгайтириш чора-тадбирлари белгиланди.

Аниқ буюртма, мослашувчан дастурлар асосида кадрлар тайёрлашга қаратилган мақсадли дуал таълим шаклини ҳам йўлга қўйиш ташаббуси билдирилди.

Бунда талабгорларни дастурга қабул қилиш, тўлов-контракт миқдорини белгилаш иш берувчи ҳамда олийгоҳ ўртасида ўзаро келишувга кўра амалга оширилиб, буюртмачи талаба ўқиниши тамомлаганидан сўнг уни иш билан таъминлашга кафолат беради.

Тақлиф қилинган чора-тадбирлар ижросини сифатли ташкил этишда олийгоҳлар раҳбариятининг масъулиятини ошириш, уларнинг “КР” кўрсаткичларида битирувчи бандлигининг таъминланганини асосий мезон сифатида белгилаш заруриги қайд этилди.

Президентимиз мутасаддиларга битирувчилар билан ишлашни самарали ташкил этиш, билдирилган ташаббусларни пухта ишлаб чиқиш, қўшимча иш ўринларини яратишда барча имкониятларни сафарбар этиш юзасидан топшириқлар берди.

ЎЗА

СУДЛАРДА КОМПЛАЕНС НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИ ЯНАДА ОШИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев судларда комплаенс назорат тизими самарадорлигини оширишга оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, одил судловга бўлган ишончни мустаҳкамлаш, судлар фаолиятида очиқлик ва қонунийликни таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, суд тизимида коррупциявий хавф-хатарларни барвақт аниқлаш, манфаатлар тўқнашунинг олдини олиш ва ҳодимларнинг касбий масъулиятини юксалтириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга, суд тизимида коррупциявий хавф-хатарларни барвақт аниқлаш, манфаатлар тўқнашунинг олдини олиш ва ҳодимларнинг касбий масъулиятини юксалтириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Бу борада нафақат судьяларнинг, балки қарийб 4,8 минг нафарга яқин суд аппарати ходимларининг ҳалол ва пок фаолият юритиши ҳам доимий эътиборда бўлиши лозим.

Шу муносабат билан тақдимотда судларда комплаенс назоратини кучайтиришга қаратилган тақлифлар муҳокама қилинди.

Суд аппарати ходимлари орасида коррупциянинг олдини олиш мақсадида Олий суд таркибида Комплаенс назорати хизматини ташкил этиш тақлиф этилди.

Мазкур хизмат тўғридан-тўғри Олий суд раисига бўйсуниб, ҳудудий судларда ҳам фаолият олиб борувчи комплаенс инспекторларидан иборат бўлади.

Комплаенс хизмати коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва олдини олиш, уларнинг сабабларини бартараф этиш, ходимлар томонидан қонунчилик ва касб этикаси талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш билан шуғулланади.

▶ Давоми 2-бетда

МИС САНОАТИДАГИ ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАРНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга мис саноатида амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳаларининг бориши ва келгусидаги режалар юзасидан ахборот берилди.

Мис саноат, энергетика, электротехника, рақамли иқтисодиёт ва “яшил” тараққиёт учун стратегик хомашёга айланмоқда. Шу боис, мамлакатимизда геология-қидирув ишларини кенгайтириш, мавжуд захираларни самарали ўзлаштириш, хомашёни чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йил март ойда Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 3-мис бойитиш фабрикасининг биринчи навбати ишга туширилган эди. “Ёш-лик-1” конини ўзлаштириш дастури доирасида 196 гектар майдонда барпо этилаётган ушбу лойиҳанинг қиймати 2,7 миллиард долларни ташкил этади. Фабрика тўлиқ қувватга чиққанидан сўнг йилга 60 миллион тонна маъданни қайта ишлаш ва 900 минг тоннага

яқин мис концентрати ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Тақдимотда фабриканинг кейинги навбатларини ишга тушириш, технологик жараёнларни барқарор йўлга қўйиш ва режалаштирилган қувватларга ўз вақтида чиқиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

▶ Давоми 2-бетда

ҲАВО САРҲАДЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев мудофаа соҳасидаги айрим масалалар юзасидан тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондон раҳбарлигида мамлакатимиз мудофаа тизими ривожланишининг янги босқичига кўтарилди. Хусусан, ҳаво сарҳадларимизни мустаҳкамлаш, чегаралар дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари изчил ислоҳ қилинмоқда.

Ислохотлар натижасида қўшинлар замонавий авиация техникалари, ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимлари ва учувчисиз учини аппаратлари билан таъминланмоқда. Амалий парвоз машғулоти кўлами бир неча баробар

оширилиб, авиация бўлиmlаларининг жанговар шайлиги мустаҳкамланмоқда.

Тақдимотда замонавий билим ва кўникмаларга эга, ватанпарвар ва профессионал миллий кадрларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Қарши шаҳрида жойлашган Ҳарбий авиация институтининг ўқув-моддий базаси халқаро таълим стандартлари асосида жиҳозланган эди.

▶ Давоми 2-бетда

ҚУЙИДАН – ИЛМ ЧЎҚҚИСИГА: ИННОВАЦИЯНИНГ ЯНГИ ЗАНЖИРИ

ЁХУД ГРАНТ, ОЛИМ, ХОНАДОН, ФЕРМЕР ВА БОЗОРНИ БИРЛАШТИРАДИГАН ТИЗИМ ҲАҚИДА

Илм-фан ҳақида гапирасак, кўпинча кўз олдимизга лаборатория, тажриба станцияси, диссертация, мақола, патент ёки ҳисоботлар келади. Бу, албатта, илмнинг муҳим қисми. Лекин бугун замон бошқа саволни қўймоқда: шу илм халқ ҳаётига кирдими, фермер даласига етдими, хонадон даромадига айландими? Бозорда махсулот ёки хизмат бўлиб ишладими? Камбағалликни қисқартириш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва ҳудуд тараққиётига хизмат қилдими? Агар илм фақат қоғозда қолса, у яхши фикр бўлиши мумкин, аммо ҳали тўлиқ куч эмас. Илм ҳақиқий кучга айланиши учун у тупроқни кўриши, суви хис қилиши, фермер қўлидан ўтиши, хонадон даромади ва бозор эҳтиёжи билан бозорни керак. Оқдй қилиб айтганда, илм лабораторияда туғилади, лекин халқ ҳаётига кирганда яшай бошлайди.

Бу фақат Ўзбекистон муаммоси эмас!

Бугун дунёда ҳам шу савол долзарб. Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар илм-фанга катта маблағ сарфлайди, университет ва илмий марказлар минглаб мақола, патент ва прототиплар яратади. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам технологияга, иш ўрнига, даромад ёки жамиятда сезиладиган фойдага айланмавермайди. Шунинг учун илмни қандай қилиб ҳаётга тезроқ ва ишончлироқ олиб кириш мумкин деган савол кўп мамлакатлар учун асосий сиёсий ва илмий масалага айланмоқда.

Халқаро таҳлилларда бир муҳим ҳулоса бор: илмий натижани тижоратлаштириш фақат патент, лицензия ёки стартап дегани эмас. Ҳамкорликдаги тадқиқот, контракт тадқиқот, хўжалик шартномалари, академик маслаҳат, proof-of-concept, яъни гоёнинг амалда ишлашини исботлаш учун бериладиган маблағ, олим ва саноат ўртасидаги ҳаракатчан алоқалар, илмий инфратузилмадан



биргаликда фойдаланиш ва очиб инновация каби йўналишлар ҳам муҳим. Чунки патентнинг ўзи етарли эмас, унга ишонадиган, уни ишлатадиган ва бозорга олиб чиқадиган муҳит керак.

Қатор давлатлар тажрибаси бир-бирига ўхшаш муаммоларни кўрсатади: интеллектуал мулк тизими заиф бўлса, proof-of-concept учун маблағ етарли бўлмаса, технология трансфери офислари кучсиз бўлса, олимлар фақат мақола билан баҳоланса, хусусий сектор ва реал фойдаланувчи бошиданок жалб қилинмаса, ишланма лабораториядан бозорга ўта олмайдми. Демак, бу мақолада биз фақат ўз муаммомиз ҳақида эмас, бутун дунё излаётган ечим ҳақида ҳам гапирялмиз.

Амалда илмнинг йўли кўпинча мана бундай кечади: гоё олимда ёки лабораторияда пайдо бўлади, кичик тажриба ўтказилади, кейин тажриба станциясида синаб кўрилади, ҳисобот ёзилади, мақола чиқади, патент олинади. Шундан кейингина натижани фермерга, корхона ёки бозорга етказиш масаласи бошланади.

Аммо кўп ҳолларда айнан шу ерда катта муаммо пайдо бўлади. Ишланма тайёр бўлган пайтда бозор ўзгарган, иқлим ўзгарган, асосий фойдаланувчи — фермернинг эҳтиёжи ўзгарган бўлади. Бъязол олим томонидан тақлиф қилинаётган янги илмий махсулот ўхшаш, кўпинча хорижий тақлифларга нисбатан қimmat бўлади. Энг қийини, тармоқда янги махсулотни олимдан бошқа тушунадиган ва самарали ишлатадиган мутахассиснинг ўзи бўлмаслиги мумкин. Фермер эса

табiiий савол беради: “Бу меннинг еримда ишлайдими? Менинг сувим, тупроғим, меҳнат шариитини бунга мосми? Таваккал қилсам, фойда кўраманми?”

Кўпинча бу саволларга аниқ жавоб бўлмайди. Чунки технология ҳақиқий фермер майдонидан эмас, чекланган тажриба шариитида синалган бўлади. Натижада яхши ишланмалар ҳам тоқчада тураверади: патент бор, лекин харидор йўқ, мақола бор, лекин фермер ишонмайди, ҳисобот бор, лекин бозорга чиқмайди. Бир неча тармоқда раҳбарликдан олган энг муҳим сабоғим шу: илмнинг охириги манзил бошиданок белгиланмаган бўлса, кейин вақт ўтиши билан уни ҳаётга олиб кириш қийинлашиб кетаверади. Демак, ечим ностандарт — астар и ағдаририлган, яъни тескаридан бошланган ёндашувни талаб қилади.

Қандай йўл тақлиф этилади?

Кўп йиллар давомида анъанавий ёндашув ушбу занжирда ишлаб келди: гоё — илмий грант — лаборатория тадқиқотлари — натижалар таҳлили — мақола ва ҳисоботлар — патент ёки прототип — кичик снов ишлаб чиқариш — истеъмолчи ёки тармоқларга тижорий тақлиф — тижоратлаштириш.

Бу йўлнинг илмий аҳамияти бор, албатта. Аммо амалий қишлоқ хўжалигида у кўпинча узун, секин ва хавфли бўлиб қолади. Чунки фермер, хонадон, кластер, корхона ёки

бозорнинг ҳақиқий эҳтиёжи жараённинг бошида эмас, аксар ҳолларда охирида ҳисобга олинади. Натижада айрим ишланмалар яхши мақола, ҳисобот ёки патентга айланади, лекин фермер даласига, хонадон даромадига, бозор махсулотига ва иқтисодий самаратга етиб бормайди.

Энди илм йўлини тескаридан бошлаш вақти келди. Яъни олим ўз ишини фақат “менда қандай гоё бор?” деган саволдан эмас, балки “қайси фермер, қайси хонадон, қайси ҳокимлик, қайси кластер, қайси кооператив, қайси корхона ёки қайси маҳалла муаммосини ҳал қила оламиз?” деган саволдан бошлаши керак.

Янги моделда занжир бошқача — қуйидан юқорига қараб қурилади: ҳозирги ҳаётимиз муаммо — фермер майдони ёки хонадон платформасини илмий майдон сифатида танлаш — шариитлар ва мавжуд инсон капиталини илмий диагностика қилиш — ечим гоёси — грант жалб қилиш — лаборатория ва дала тадқиқотини бир вақтда олиб бориш — беул ёки имтиёзли технология пакети — реал шариитда снов ва маҳаллий мутахассис тайёрлаш — фермер ва хонадон даромади — атрофдаги хонадон ва фермерларга кенгайтириб бориш, яъни дастлабки тижоратлаштириш — илмий маълумот — мақола, патент ва жорий қилинган майдон тақдими — кластер, кооператив, компания, стартап ёки спин-офф орқали кенгайтириш — кенг миқёсда тижоратлаштириш.

▶ Давоми 3-бетда

ПМЭФ'26
ПЕТЕРБУРГСКИЙ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ
ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
ФОРУМ

Жиззах вилояти Фориш туманида интеграциялашган атом электр станциясининг биринчи энергоблокига тамал тоши қўйилиши янги технология босқич дебocasи, энергетик мустақиллик, саноат ўсиши ва экологик хавфсизлик янги даврининг рамзий ифодаси бўлди. Бошқача айтганда, Ўзбекистон ўз суверенитетини мустаҳкамлаган ҳолда инновацион ривожланиш учун янги уфқларни очиб, жаҳон энергетикасининг илгор марраларини дадил забт этаётганининг амалий исботи.

ЭНЕРГЕТИК МУСТАҚИЛЛИК ТАЯНЧИ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Форишда оддий электр станцияси қурилмапти, балки Ўзбекистоннинг келажақ авлодлари учун фаровон, технология жияҳатдан етакчи ва барқарор янги даврга замин яратилмоқда. Шу боис, ушбу тарихий воқеа Ўзбекистондаги қурилиш майдонини Санкт-Петербург шаҳри билан боғлаган

телекўприк форматада тақдим этилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Россия Президенти Владимир Путин билан биргаликда унинг пойдеворига “биринчи бетон”нинг рамзий қўйилишини кузатиб борди.

▶ Давоми 2-бетда

СУДЛАРДА КОМПЛЕНС НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИ ЯНАДА ОШИРИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Тақдимот давомида суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича қатор бошқа чоралар ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, судлар аппаратида хавфи юқори бўлган лавозимлар рўйхати тасдиқланади, хавф даражаси юқори жараёнларни рақамлаштириш ва инсон омилини камайтириш чоралари кўрилади.

Судьялар учун манфаатлар тўқнашуви, даромад ва мол-мулк декларацияларини тақдим этиш ҳамда таҳлил қилишнинг автоматлаштирилган электрон тизими ишга туширилади. Худди шундай тизим суд аппарати ходимлари учун ҳам жорий этилади.

Шунингдек, коррупция, шубҳали схемалар ва интизом бузилишларига олиб келувчи хавфларни аниқлашга қаратилган электрон ахборот тизимлари ишга туширилади. Бу борада коррупция ҳақида хабар берган ходимларни ҳимоя қилиш, фуқаролар учун хавфсиз алоқа каналларини яратиш муҳимлиги таъкидланди.

2026 йил якунига қадар суд тизимида коррупцияга қарши барқарорлик бўйича диагностика ўтказилади. Судьяликка номзодларни тайёрлаш жараёнида уларнинг шахсий-профессионал ва коррупцияга қарши барқарорлигини баҳолаш амалиёти ҳам жорий этилади.

Суд ишларини автоматик тақсимлаш дастури такомиллаштирилиб, ишларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш мезонлари аниқ белгиланади, жараён шаффофлиги таъминланади.

Суд аппаратида ишга қабул қилиш тизими ҳам тубдан янгиланади. У очик танлов, шаффоф тартиб-таомиллар ва меритократия тамойиллари асосида ташкил этилади. Номзодларнинг касбий, маънавий-ахлоқий ва ҳалоллик сифатларини баҳолашнинг замонавий тизими жорий қилинади.

Ходимлар учун манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи фаолият ва тadbиркорлик билан шугулланиш, чет элда

ҳисобварақ очиш каби чекловлар назарда тутилади.

Тақдимотда суд аппарати ходимлари учун ихтисослашган хизмат кийимини жорий этиш таклифи ҳам кўриб чиқилди. Бу ходимлар масъулияти, хизмат интизоми ва этика маданиятини мустақамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари суд тизимида шаффофлик, ҳалоллик ва адолат муҳитини мустақамлаш аҳолининг суд ҳимоясига бўлган ишончини оширишнинг муҳим омили эканини, таклифларни пухта ишлаб чиқиш, компленс хизматида малакали кадрларни жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ИБРОҲИМ ҒАҒУРОВ



Миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли адабиётшунос олим, адиб ва таржимон, танқил жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Усмонович Ғафуров 89 ёшида вафот этди.

И.Ғафуров 1937 йил 27 декабрда Тошкент шаҳрида туғилди. Урта мактабни тугатгандан сўнг Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни филолог — ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси мутахассислиги бўйича тамомлади. Меҳнат фаолиятини 1961 йилда Давлат бадий адабиёт нашриётида муҳаррир сифатида бошлаб, кейинчалик узоқ йиллар Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бўлим mudiri, бош муҳаррир ўринбосари лавозимларида хизмат қилди.

И.Ғафуровнинг ижтимоий фаол ижодкор, чинакам маърифат фидойисини сифатидаги юксак фазилатлари у “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари, “Миллий тикланиш” газетаси бош муҳаррири бўлиб ишлаган йилларда яққол намоён бўлди. Филология фанлари номзоди И.Ғафуров ижодий ва ижтимоий фаолиятни педагогик билан уйғун ҳолда олиб бориб, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети сингари нуфузли олийгоҳларда талабаларга дарс берди ва юқори малакали филолог ва журналист кадрлар тайёрлашда ҳам жонбозлик кўрсатди.

И.Ғафуров мамлакатимизда қўшпартиявийлик ва парламентаризм тамойилларини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса

қўшди. У Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати ҳамда Матбуот ва ахборот қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимларида самарали иш олиб борди. Ёрқин истеъдод, кенг билим ва тафаккур эгаси бўлган И.Ғафуров ўзидан бой илмий, адабий-бадий мерос қолдирди.

Унинг 60 йилдан зиёд меҳнат фаолияти мобайнида ҳассос адабиётшунос олим, донишманд адиб сифатида ўзбек адабиётининг долзарб назарий ва амалий масалаларига, хусусан, Абдулла Қодирий, Ойбек, Усмон Носир, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Зуфия, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари улуг адиб ва шoirларимиз асарларининг бадий таҳлилига бағишланган кўплаб мақолалари, китоб ва рисоалари, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари миллий маънавиятимиз ҳазинасига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

И.Ғафуров инсоннинг қалб кечинмаларини, юксак гуманистик ғояларни тараннум этадиган бадий ва публицистик асарлари, адабий-маърифий мавзудаги фильмлар учун ёзган сценарийлари билан ҳам адабиётимизда ўчмас из қолдирди. У жаҳон адабиётининг ўнлаб мумтоз намуналарини, хусусан, Ф.Достоевский, Г.Мопассан, Э.Хемингуэй, Г.Маркес, Ж.Жойс, Ч.Айтматов каби адибларнинг машҳур асарларини ўзбек тилига юксак маҳорат билан таржима қилиб, бадий таржима-чилик соҳасида ўзига хос ижодий мактаб яратди. Моҳир сўз санъаткорининг серқирра истеъдоди Янги Ўзбекистон шароитида янада яққол намоён бўлди. У мамлакатимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, миллий адабиётимиз ва санъатимизни ривожлантиришга қаратилган илоҳотлар жараёнида умрининг охирига қадар фаол иштирок этиб келди. И.Ғафуровнинг халқимиз, Ватанимиз олдидаги унутилмас хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон Қаҳрамони” олий унвони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби” фахрий унвони, “Дўстлик” ва “Меҳнат шухрати” орденлари билан мукофотланди.

Захматқаш олим, атоқли адиб, ёшларнинг меҳрибон устози, самимий ва камтарин инсон Иброҳим Ғафуровнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, С. САИДОВ, С. ТУРДИЕВ

МИС САНОАТИДАГИ ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАРНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, янчиш цехидаги шарли тегирмонлар, флотация линияларини босқичма-босқич тўлиқ қувватга чиқариш бўйича аниқ график белгиланган.

Жорий йил якунига қадар 3-мис бойитиш фабрикасида рудани қайта ишлаш ҳажминини янада ошириш, барча асосий технологик занжирларни тўлиқ ишга тушириш ва ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш вазифаси қўйилди.

3-мис бойитиш фабрикаси тўлиқ ишга тушгач, комбинатда мис концентратининг куникал ишлаб чиқариш ҳажми 2 минг 400 тоннадан 5 минг тоннага ошиши кўзда тутилган. Замонавий технологиялар жорий қилиниши ҳисобига энергия сарфи ва таннархни камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш имкони пайдо бўлади.

Тақдимотда 4-мис бойитиш фабрикаси лойиҳасини ишлаб чиқишини жадаллаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Бугунги кунда лойиҳа доирасида базавий инжиниринг ҳужжатлари тайёрланмоқда, қурилиш майдонида

ер ишлари ва геологик бурғилаш ишлари олиб боришмоқда.

Мазкур лойиҳада 3-фабрика тажрибасини инобатга олган ҳолда технологик ечимларни мақбуллаштириш, энергия ва сув ресурсларидан тежамкор фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, халқаро инжиниринг компаниялари билан ҳамкорликда гравитация, флотация, концентратни қуриштириш ва қолдиқларни қулоттириш, технологик занжирларини такомиллаштириш, хоржий молия институтларидан маблағ жалб қилиш учун лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини тайёрлаш чора-тадбирлари белгиланган.

Мутасаддиларга 4-мис бойитиш фабрикаси учун зарур ер майдонларини ажратиш, қурилиш майдонида тайёргарлик ишларини давом эттириш, базавий инжиниринг ҳужжатларини белгиланган муддатда яқунлаш ва лойиҳани босқичма-босқич ишга тушириш режасини аниқлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

ЎЗА

ҲАВО САРҲАДЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Институтда замонавий ўқув тренажёрлари, моделлаштириш ва симуляция воситалари жорий этилган. Назария ва амалиёт уйғунлигида ташкил этилаётган машғулотлар курсантларга авиация соҳасини чуқур ўзлаштириш имконини бермоқда. “Устоз-шогирд” анъанаси асосида курсантлар “Хобнод” аэродромда тажрибали мутахассислар кўмагида амалий кўникмаларини мустақамламоқда.

Тақдимотда ҳаво сарҳадларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, авиация бўлиналариини замон талабларига мос равишда қайта ташкил қилиш бўйича таклиф этилаётган чора-тадбирлар кўриб чиқилди.

Бу ишлар Ҳарбий ҳаво кучларининг жанговар қобилияти ва амалий имкониятларини янада оширишга, кўшиларнинг тезкорлиги, ҳаракатчанлиги ва замонавий тақдидларга жавоб бериш салоҳиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, ҳарбий тиббиёт соҳасида Туркия билан ҳамкорликни ривожлантириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Президентимизнинг жорий йил январь ойида Туркияга ташириш давомида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида ҳарбий тиббиёт соҳасида таълим ва ҳамкорлик битими имзоланган эди.

Тақдимотда ушбу битим доирасида амалга оширилиши таклиф этилаётган чоралар ҳақида ахборот берилди. Мутахассисларни даволлаш иши, стоматология, фармацевтика, профилактика, тиббий касб-ҳунар ва ҳамширалик олий таълимий йўналишларида, магистратура ва аспирантурада ўқитиш, ҳарбий шифокорларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш назарда тутилмоқда.

ЎЗА

ЭНЕРГЕТИК МУСТАҚИЛЛИК ТАЯНЧИ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Бошланиши 1-бетда

Халқаро атом энергияси агентлиги стандартларига мувофиқ, биринчи бетоннинг қуйилиши (бошланғич босқичда 133 метр қўришма, умумий ҳажми — 10 минг метр кубдан ортик) объекта қурилаётган атом электр станцияси расмий мақомини беради.

Бу лойиҳанинг ўзига хослиги унинг дунёда муқобили йўқлигидир. Станция янгича ёндашув ва ўзига хос тажриба сифатида қурилмоқда. Лойиҳа кичик модулли атом генерацияси ҳамда йирик ҳажмли энергетика соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни ўзида мужассам этган.

Президентимиз таъкидлаганидек, хавфсизлик мазкур лойиҳанинг мутлақ ва сўзсиз шарти бўлиб хизмат қилмоқда. Станцияни қуриш ва уни эксплуатацияга тайёрлаш ишлари энг замонавий халқаро стандартлар, илгор муҳандислик ечимлари асосида ҳамда Халқаро атом энергияси агентлиги стандартларига мос ҳамда унинг доимий назорати остида бажарилмоқда.

Жумладан, лойиҳа қурилишини бошлашдан олдин Вазирлар Маҳкамаси хазуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси томонидан “Атом электр станциясини қуриш дирекцияси” давлат муассасасига Россиянинг РИТМ-200Н русумли ядро қурилмасига эга АЭС энергоблокинн барпо этиш учун лицензия берилди. Ушбу қарор қўмита кенгаши йиғилишида лойиҳа ҳужжатлари, техник ечимлар ва хавфсизликни



Азим АХМЕДХЎЖАЕВ, Вазирлар Маҳкамаси хазуридаги Атом энергияси агентлиги директори

асословчи материаллар Радиация ва ядро хавфсизлиги илмий-техник марказида тўлиқ комплекс экспертизадан ўтказилганидан сўнг қабул қилинди. Экспертиза миллий қонунчилик, Халқаро атом энергияси агентлиги тавсиялари асосида ҳамда хоржий экспертлар, жумладан, Россиянинг тегишли соҳадаги маркази етакчи мутахассислари жалб этилган ҳолда ўтказилди. Қўмита қурилишнинг бутун даври мобайнида лицензиянинг барча шартлари ҳамда ядровий ва радиациявий хавфсизлик талабларига риоя этилиши устидан доимий давлат назоратини амалга оширади.

Лойиҳа тўрт босқичдан иборат, биринчи босқичи 2029 йилда қуриб битказилиши режалаштирилмоқда. Сўнгги якуний босқич эса 2035 йил топширилиши кутилмоқда. Ушбу станция мамлакатимизнинг технологик, индустриал ва илмий тараққиётига янги босқични бошлаб бериб, янги тармоқ — атом энергетикасини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. У минглаб малакали кадрлар учун иш ўрни, соҳа мутахассисларига эса билим ва тажриба мактаби бўлади.

Илк атом электр станцияси Ўзбекистон энергетика мустақиллигининг таянчи сифатида глобал энергетика бозорига истеъмолчи мамлакатлар қаторидан энергия етказиб берувчи фаол экспортёр давлатлардан бирига айланишига катта ҳисса қўшади.

Жиззахдаги АЭС тўлиқ қувват билан ишга тушгач, йилига 17 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Яъни 10 миллион оилани 1 йил, Тошкентни 2 йил электр билан таъминлаш имконияти яратилади. Бу иқтисодий тармоқлар драйвери, саноат корхоналари, аҳоли турар жойларининг муҳим энергия таъминоти манбаи деганидир.

Лойиҳанинг қуёши, шомол электр станцияларидан устун жиҳати мавжуд: у ҳар қандай об-ҳаво шароитида бир хил шиддат билан ишлай олади. Бундан ташқари, атом электр станцияси атмосферага ҳеч қандай зарарли модда ташламайди. Шу бois, у “яшил” технология ҳисобланади.

Ўзбекистон атом электр станциясининг асосий хомашеси — уран захираси бўйича дунёда 10-ўринда, уни ишлаб чиқариш борасида 5-ўринда туради. Бундай юқори салоҳиятни рўёбга чиқариш — урандан фойдаланиши мамлакат иқтисодиёти катализаторига айлантириш иқтисодий трансформация учун асос яратяди.

Мамлакатимизда барпо этилаётган атом электр станцияси янги Ўзбекистоннинг фаровон турмуши асоси, иқтисодий қудрати таъинчи бўлиши шубҳасиз.

Дунёда иқтисодий қудрат энергия ресурслари ҳажми билан эмас, улардан тобора қай даражада самарали фойдаланиш имконияти билан ўлчанадиган давр бошланди. Бугун рақобат майдони нефть ёки газ конлари атрофида эмас, юқори технологиялар, саноат кооперацияси, рақамли иқтисодиёт ва интеллектуал капитал соҳаларида шаклланимоқда.



Ҳилола ЮСУПОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Санкт-Петербург халқаро иқтисодий форумида Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар айнан ана шу воқеликдан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз тараққиётининг узоқ муддатли устувор йўналишларини белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбари нутқида иқтисодий муносабатларга фақат савдо айланмаси ёки экспорт-импорт кўрсаткичлари нуқтан назаридан эмас, балки келажак иқтисодиётини шакллантирадиган янги ҳамкорлик форматлари орқали ёндашди. Хусусан, “Евроосиё технологик саноатлаштириш камари”ни ташкил этиш ташаббуси минтақа давлатларини ягона технологик занжирга бирлаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бунинг моҳияти шундаки, маҳсулот бир давлатда лойиҳалаштирилиб, иккинчисида бутловчи қисмлари ишлаб чиқарилиши, учинчисида йиғилиши ва халқаро бозорларга чиқарилиши мумкин. Бундай тизим иқтисодиётлар рақобатбардошлигини оширади, янги иш ўринлари яратяди.

Ҳар қандай юқори технологияли иқтисодиётнинг мустаҳкам асоси энергия ҳисобланади. Ўзбекистонда интеграциялашган атом электр станцияси қурилишига старт берилгани иқтисодий тараққиётимизда энг муҳим воқеалардан бири сифатида баҳолашни мумкин.

Бугун Ўзбекистон аҳолиси 38,5 миллионга яқинлашди. Саноат ҳажми йил

Муҳими, кичик ва йирик реакторларнинг бир тизимида ишлаш электр тармоғидаги юкнамаларни мувозанатлаштиради. Бу эса энергия тизимига ишончини оширади.

Лойиҳанинг иқтисодий самараси ҳам диққатга сазовор. Мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра, умумий қиймати 9,5 миллиард доллар бўлган мазкур ташаббус келгусида мамлакат иқтисодиётига 165 миллиард доллардан ортик иқтисодий фойда келтириши мумкин. Бундай кўрсаткич ҳар қандай йирик инфратузилмавий лойиҳанинг стратегик аҳамиятини яққол намоён этади.

Атом электр станцияси фақат энергия манбаи эмас. У юқори технологияли бутун бир саноат экотизимини шакллантиради. Қурилиш жараёнида металлургия, машинасозлик, қурилиш материаллари саноати, логистика ва муҳандислик хизматлари ривожланади. Лойиҳада маҳаллийлаштириш даражасини 30 фоизгача етказиш режалаштирилгани маҳаллий корхоналар учун янги имкониятлар дегани.

Бундан ҳам муҳимроғи, мамлакатда янги муҳандислик мактаби шаклланади. Бугун ёшларимиз ядро физикаси, атом энергетикаси ва юқори технологиялар соҳасида таълим олмақда. Эртага айнан улар юртимизнинг технологик тараққиётини таъминлайдиган мутахассисларга айланади.

Фориш туманида қурилиши бошланган атом электр станцияси мамлакатимиз энергетика тизимида навбатдаги йирик лойиҳагина эмас, балки янги Ўзбекистоннинг саноатлашган, технологик ривожланган ва рақобатбардош иқтисодиёт қуришга қаратилган узоқ муддатли стратегиясининг амалий ифодасидир.

Ушбу ташаббуслар бугунги кунга эмас, балки келгуси ўн йилликлар учун хизмат қилади. Зеро, мустаҳкам энергетика базасига эга давлатгина кучли саноат, юқори технология ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлай олади.

“**Лойиҳа тўрт босқичдан иборат, биринчи босқичи 2029 йилда қуриб битказилиши режалаштирилмоқда. Сўнгги якуний босқич эса 2035 йил топширилиши кутилмоқда. Ушбу станция мамлакатимизнинг технологик, индустриал ва илмий тараққиётига янги босқични бошлаб бериб, янги тармоқ — атом энергетикасини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.**”

СОЛИҚ РЕЖИМИГА ЎТИШНИНГ ЧЕГАРАСИ

КИЧИК БИЗНЕС УЧУН 1 МИЛЛИАРД СЎМДАН 5 МИЛЛИАРД СЎМГАЧА ОШИРИЛДИ

Очиғи, бу гал кутганимиздан ҳам кўпроқ имтиёзлар берилди. Енгилликларнинг аксарияти кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Солиқ тўловининг икки баравар қисқаргани, фойда солиғининг олиб ташлангани ҳақида тўлқинланиб гапирётганимиз боиси шунда.

ҚҚС билан бирга ҳисоботлар ҳам қисқармоқда



Кун мавзуси

Шу кунларда тадбиркорлар, айниқса, кичик ва ўрта бизнес эгалари Президентимизнинг янги фармони билан ишбилармон доира вакиллариغا берилаётган бир қанча енгиллик ҳамда имтиёзлар ҳақида гапиряпти. Чунки мана шу фармон билан йиллар давомида тадбиркорга ташвиш бўлиб, уйқусини қочирган реал муаммолар ечилди. Қолаверса, берилаётган имтиёзлар кўлами ҳам кичик эмас. Бу мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантиришнинг янги даврини бошлаб бераётган муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда.

Авалло, умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари учун ҚҚС тўлашнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Айнан мана шу янги тартиб бир қанча енгилликларни назарда тутиди. Жумладан, амалдаги 12 фойзли қўшимча қиймат солиғининг 6 фойзга туширилиши, фойда солиғи ставкасининг эса 0 фойз этиб белгиланиши аҳамиятини тадбиркорлар жуда яхши билади.



Санжар МАҚСУДОВ, Ўзбекистон ресторанлар гилдияси раҳбари

Айнан мана шу масалага ечим берилгани қўллаб кичик ва ўрта бизнес эгаларини қувонтириб юборди. Президентимизнинг фармони билан 1 миллиард сўмлик чегара БХМнинг 12 минг баравари, яъни нақд 5 миллиард сўмгача оширилди. Бу — даромади 5 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлар аввалгидек фақат айланмадан солиқ тўлайди дегани. Энди савдо айланмасини яшириш, атайлаб фаолиятни кенгайтирмаликка зарурат йўқ.

Савдо айланмаси 5 миллиард сўмдан ошиб, солиқ режимига ўтадиган тадбиркорлар учун ҳам катта имтиёз берилди — қўшимча қиймат солиғи 12 фойздан 6 фойзга туширилди. Қўпчилик 12 фойзли солиқ тўлови ҳақида яхши билади. Ушбу солиқ тури ҳар бир ходимнинг ойлик маошидан ҳисобланади. Бу жуда катта харажат дегани. Айниқса, биз фаолият юритадиган умумий овқатланиш соҳасида даромаднинг яримдан кўпи ойлик маошга сарфланади. Чунки ишчи кучи кўп ва уларнинг ҳар бирига яхшигина иш ҳақи тўланади. Хусусан, корхонамизда 300 дан ортиқ киши иш билан таъминланган. Қолаверса, ҚҚС учун ҳужжатларни тайёрлашнинг ўзи ҳам анчагина ташвиш эди. Ҳар бир товарнинг ҳужжати, фактурасини тўғрилаб, ҳисобга олиш азоб эди. Давлат энди янги, соддалаштирилган 6 фойзли ҚҚС тизимини тақдир қилипти. ҚҚС ставкасининг 2 баравар қисқартирилган ҳисоботларни анча осонлаштиради.

Тадбиркорлар ҳамма нарсани рўйхатдан ўтказиб, очик ва шаффоф ишлаган тақдирда ўз-ўзидан даромаддан 15 фойз фойда солиғи тўларди. Очик айтиш керак, кўпчилик ана шу солиқдан қочиб, баъзи рақамларни яширадиган ҳолатлар ҳам учраб туради. Албатта, шаффоф ишлаган бизнес эгалари ҳозир кўпга имтиёзлардан фойдаланади. Шунга қарамай, ишбилармон учун 15 фойзли фойда солиғи оғирлик қилади. Энди хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик тадбиркорлар учун ана шу фойда солиғи 0 фойзга туширилди. Бу айтишгагина осон, аммо бизнес эгаси учун яхшигина қулайлик. Шу боис, айни жихат кўпчиликни қувонтирди. Бу ишбилармоннинг даромади ўзига қолади, фаолиятини янада кенгайтиришга хизмат қилади дегани. Ушбу енгиллик бизнес эгаларини янада очик, шаффоф ишлашга ҳам ундайди.

Ходимларни расмийлаштириш, ойлик маошини ошкора кўрсатишда очиклик бўлади. Тадбиркор ходимларини яширишга уринмайди, ҳар бирини расман рўйхатдан ўтказиши. Бу ортиқча қоғозбозлик ҳам талаб қилмайди. Энди жараён тўлиқ электронлаштирилди, мобил илова орқали расмийлаштирилади. Бугунгача ҳар бир ходимнинг ҳужжати йиғилиб, рўйхатдан ўтказилиб, роса овозгарчилик талаб қиларди.

Текширувларнинг қисқартирилган алоҳида масала. Очиғи, асосиз текширувлар ишлаб турган тадбиркорнинг хаёлини чалғитадиган асосий муаммолардан эди. Кичик хато ёки камчилик аниқланса ҳам кунлаб сарсон бўларди. Янги тизим анча қулай — хатolik қиймати 500 миллион сўмдан ошмаган ҳолларда солиқ идораларидан муаммони бартараф этиш бўйича хат келади. Аниқроғи, хавф суммаси 500 миллион сўмгача бўлса, солиқ аудити, 100 миллион сўмгача бўлса, сайёр текширув умуман ўтказилмайди. Корхонага солиқ органлари ходимлари келиб, кунлаб текширмайди. Тадбиркор камчиликларини мустақил тўзатиш имкони бериляпти.

Умуман, янгилликлар, имтиёзлар кўп, тадбиркорлар булар ҳақида тўлиб-тошиб муҳомада қилаётганича бор. Айниқса, фармонда назарда тутилган енгилликлар умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳалари учун катта ёрдам бўлди. Ортиқча туризм тобора ривожланиб, сайёҳлар оқими ошаётган шароитда айни соҳаларга қулайликлар берилиши уларни янада ривожлантиришга йўл очди. Қолаверса, кичик бизнесда очик ва шаффоф ишлаш учун механизм яратилди. Бу бозордаги рақобатни ҳам оширади.

Имтиёзлар муваффақият сари етаклайди

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, бизнес вакиллари учун молиявий имкониятларни кенгайтириш ва уларнинг зиммасидаги маъмурий юкни сезиларли даражада енгиллаштириш борасида муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда Президентимизнинг “Кичик бизнес субъектларининг ўсиши учун янада қулай иқтисодий ва маъмурий шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди.



Ушбу муҳим ҳужжат билан солиқ тизимида тадбиркорлар йиллар давомида кутган жуда қўллаб қулайлик ва енгилликлар ҳаётга таъбиқ этилмоқда. Хусусан, ҚҚСга ўтиш чегараси қарийб 5 миллиард сўмга етказилди. Кичик бизнес вакиллари учун катта хушxabарлардан бири умумий солиқ тизими (ҚҚС)га мажбурий ўтиш мезонининг кескин оширилиши бўлди. Жорий йил 1 июнидан эътиборан ушбу чегаравий миқдор базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ)нинг нақд 12 минг баравари этиб белгиланди. Ушбу чегара 2020 йилнинг бошидан буён атиги 1 миллиард сўмни ташкил этар эди. Энди тадбиркорлар йиллик айланмаси 5 миллиард сўмга етгунга қадар хотиржам соддалаштирилган тизимда фаолият юритиши мумкин.

Фармонга биноан, 2026 йил 1 июндан бошлаб, 2030 йилнинг 1 январига қадар умумий овқатланиш, савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайдиган тадбиркорларга (давлат улуси бўлган корхоналар ва йирик солиқ тўловчилардан ташқари) ихтиёрий равишда ҚҚС тўлашнинг ўта соддалаштирилган тартибини танлаш ҳуқуқи бериляпти.

Маъмурий тўсиқлар олиб ташланди. Аввало, солиқ тўлови гувоҳномасини вақтинча тўхтатиб туришдек нохуш тартиб бутунлай бекор қилингани — биз учун катта имконият. Шунингдек, импорт билан шуғулланувчи компаниялар, яқна тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилганларни мажбурий равишда ҚҚС тўловчиси деб эътироф этиш амалиётига ҳам чек қўйилди.

Кулайликлардан яна бири — жорий йил 1 июндан бошлаб меҳмонхона ва рестородаларда алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотлари сотилаётганда нақд пулда тўлов қабул қилишга расман рухсат берилди. Ичимликлар харид қилинганда рақамли маркировка коди савдо



Дилфуза РАҲМОНОВА, хусусий бандлик агентлиги раҳбари

масканларининг ўзидаёқ яқини истермолга чиқарилган деб ҳисобланади. Шунингдек, умумий овқатланиш шохобчалари учун айрим ходимларни махсус мобил илова орқали шу куннинг ўзида муайян мuddатга соддалаштирилган тартибда ишга қабул қилиш ва маош тўлаш тизими жорий этилмоқда. Улар тўлаган ҚҚС суммасининг нақд 40 фойзини давлат қайтариб беради.

Бундай имкониятлар янги лойиҳаларни амалга оширишимиз учун кенг йўл очди. Тармоқлар янада кенгайиб, қўшимча иш ўринлари яратилди. Бу эса аҳолининг даромадини ошириш билан бирга ишсизликка барҳам бериш имконидир.



Президентимизнинг 2026 йил 26 майдаги “Кичик бизнес субъектларининг ўсиши учун янада қулай иқтисодий ва маъмурий шарт-шароитларни яратиш тўғрисида”ги фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда янги имконият эшикларини очди.

Ислохотлар натижасида ТАДБИРКОР ЕЛКАСИГА ОҒТОБ ТЕГДИ

Оилавий корхона ташкил қилганимизга ўн йилдан ошди. Бугунги тадбиркорлик фаолиятини ўн йил аввалгисига билан қиёслаб бўлмайди. У дамларда тадбиркорга муносабат ҳам, эътибор ҳам бутунлай бошқача бўлган. Битта лойиҳани амалга ошириш, банкдан кредит олиш учун турли идоралардаги қоғозбозликлар ортидан сарсон бўлишимизга тўғри келарди. Ишлаб чиқаришга сармоя киритмоқчи бўлган инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаати қонун билан ҳимояланмаган эди. Зарур инфратузилма тармоқлари ҳақида гапирмасак ҳам бўларди. Ҳали иш бошланмасдан турли текшир-текшир, солиқ ҳисоботлари талаб қилиниши натижасида тадбиркор идоралар ўртасида бўзчининг моқсидек сарсон эди. Бизни ҳеч ким эшитмаган, оёққа туриб олиш, фаолият кўламини кенгайтиришга имконият, имтиёзлар берилмаганди. Биргина солиқ соҳасида бир ойда бир неча турдаги ҳисоботлар талаб қилинарди. Талабни бажармаганлар катта миқдорда жаримага тортилган.

Энди тадбиркорлик, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга муносабат буткул ўзгарди, очиклик сисёати кириб келди, ўзаро мулоқот майдони шаклланди. Ишлайман деганга барча шароит, имконият, имтиёзлар берилди. Дастлаб кичик ишлардан бошланган саяб-ҳаракатларимиз катта лойиҳаларга йўл очди. Бугун ўз меҳнатимиз билан эришганларимиздан нафақат моддий манфаат, балки маънавий қаноат ҳам топишимиз, одамлар корига яраймиз. Бу ўз-ўзидан



Шокиржон АХМЕДОВ, Риштон туманидаги “Мингбоши керамика” оилавий корхонаси раҳбари

бўлаётгани йўқ, албатта. Ўтган йили умумий қиймати 10 миллиард сўмдан ортиқ сопол ва чинни буюмлар ишлаб чиқарилди. 200 дан ортиқ ёш учун доимий иш ўринлари очилди. 3 мингдан ортиқ касаначимиз бор. Маҳсулотларимиз ички бозордан ташқари ақин қўшни мамлакатлар — Россия, Европа бозорларига ҳам кириб борди. Миллий хунармандлик йўналишидаги қўллаб-қувватлашга маҳсулотларимиз билан иштирок этишимиз. Шу кунга қадар океанортия, Россия, Қозғистон, Тожикистон ва Қирғизистонга умумий қиймати 5 миллион доллардан ортиқ маҳсулотлар экспортини амалга оширдик. Бизга нафақат тадбиркор, балки давлат ва жамият тараққиётига ҳисса қўшаётган, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш, худудлар ободлиги йўлида самарали хизмат қилаётган ислохотчи сифатида қадрланган, иззат — ҳурмат кўрсатиляпти. Ҳар йили тадбиркорлар билан тўғридан тўғри мулоқот қилиш тизими яратилиб, давлат билан ишбилармонлар ўртасида мулоқот ҳамжиҳатлик ришталари болғанди. Натижада қўллаб янги ишлаб чиқариш корхоналари қурилди, инвесторлар оқими кенгайди, инвестициялар миқдори ошди. Солиқ маъмуричилиги, банк тизимидаги ислохотлар натижасида тадбиркор елкасига оғтоб

тегди. Солиқ ва банк ҳисоботлари электрон тизимга ўтказилди. Энди олди-сотди жараёнини бажариш учун банк ёки солиқ идораларига боришга ҳожаат йўқ.

Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ҳамда молиявий хизматлар оммабоплигини оширишга қаратилган эътибор кучаяётгани айни мuddа. Энди банк кредитлари олиш тизими янада соддалаштирилди. Кредит олоқчи бўлган тадбиркор бир неча банк тақдирини бир жойда кўриш, солиштириш ва ўзига мақбул шартларни танлаш имкониятига эга. Жойларда рақамли молиявий платформа ишга туширилиб, “Электрон ҳуқумат” тизими рақамли маълумотлар базалари билан интеграция қилинди. Бу кичик ва ўрта бизнес субъектларига оид маълумотларни автоматик равишда олиб, банкларга тақдим этиш имкониятини беради. Шунингдек, кредит бериш жараёнида ҳужжат йиғиш, ортиқча вақт сарфлаш ва инсон омиллини камайтириди.

Муҳим янгилликлардан бири — кичик бизнесни узлуқсиз қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча енгилликлар. Авваллари микрокредитдан фойдаланган ва икбий кредит тарихига эга тадбиркорлар учун микрокредитнинг гаровсиз қисми 100 миллион сўм бўлган, энди эса бу миқдор 200 миллион сўмгача оширилди. Бу кичик бизнес фаолият кўламини кенгайтириш, хомаше харид қилиш, сотиш, янги иш ўринлари яратиш жараёнида ўзига хос имкониятлар беради. Қолаверса, кредит ёки лизинг миқдоридан қатъи назар, унинг 5 миллиард сўмгача бўлган қисми учун фойз харажатлари компенсация қилинади.

Йиллик айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлар айланмасидан 1 фойз солиқ тўларди. Эндиликда бу миқдор 5 миллиард сўм этиб белгиланди. Аввалги тартибга қўра белгиланган 1 миллиард сўмлик чегара бизнес ўсишини чеклаб қўяётган эди. Айрим корхоналар ўз бизнесини эркин ва кенг миқёсда ривожлантириш ўрнига солиқ юкidan қочиб мақсадда ўз фаолиятини сунъий равишда бир неча майда фирмага бўлишга мажбур бўлаётган эди. Энди эса шу сунъий тўсиқлар бутунлай парчалаб ташланди. Янги тартибга қўра, йиллик савдо айланмаси 5 миллиард сўмга етмаган корхоналар ортиқча солиқ юки ва мураккаб ҳисоботлардан халос бўлади.

Бу инқилобий янгилликдан, биринчи навбатда, юртимизда фаолият юритаётган минглаб оилавий корхоналар, кафе ва рестородалар, маҳаллий дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда ўз ҳалол меҳнати билан иқтисодиётимиз пойдеворини мустаҳкамлаётган оддий фуқароларимиз бекис даражада манфаат қўради.

Йиллик айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлар айланмасидан 1 фойз солиқ тўларди. Эндиликда бу миқдор 5 миллиард сўм этиб белгиланди.



ФАН ТАРАҚҚИЁТИДА СИФАТ

ВА РАҚОБАТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОСҚИЧ

Шарҳ

Бугунги глобал илм-фан майдонида рақобат ғоялар тезлиги, тадқиқотлар сифатини ўлчаш мезонлари ва кадрлар тайёрлаш тизими барқарорлиги билан белгиланмоқда. Бир мамлакатнинг илмий салоҳияти унинг лабораториялари ёки диссертациялар сони эмас, янгилик яратишга қодир янги авлод кадрлари билан баҳоланмоқда. Шу маънода, Президентимизнинг 2026 йил 26 майдаги "Янги авлод илмий кадрларини тайёрлаш ва уларни аттестация қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда илм-фанни ривожлантиришга қаратилган энг муҳим стратегик қадамлардан бири бўлди.

Ушбу ҳужжат илмий муҳитни тартибга соладиган, кадрлар тайёрлашдан тортиб, илмий даража беришга бўлган бутун заنجирни қайта қуришга қаратилган тизимли ислохотдир. Унинг моҳияти натижа, сифат ва рақобат устувор бўлган янги илмий экотизимни шакллантиришдан иборатлиги билан ҳам ниҳоятда аҳамиятли.

Фармонда илмий кадрлар тайёрлаш масаласи мамлакатнинг стратегик тараққиёт йўналишлари билан бевоҳита боғланган ҳолда қайта шакллантирилган. Рақамли технологиялар, сунъий интеллект, киберхавфсизлик, атом ва қайта тикланувчи энергия, агроинновациялар, тиббиёт, биотехнологиялар, сув ресурслари бошқаруви, янги материаллар ва сейсмик хавфсизлик каби соҳалар устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Бу танлов тасдиқий эмас. Чунки айнан шу соҳалар келгуси ўн йилликда иқтисодиёт, санаят ва давлат бошқаруви-нинг технологик пойдеворини белгилаб беради. Шу боис, докторантура қабул квотасининг камида 60 фоизи айнан шу соҳаларга йўналтирилиши илмий ресурсларни реал эҳтиёжлар билан уйғунлаштирилади.

Бирок мазмун фақат йўналишларни белгилаш билан чекланиб қолмайди. Энг муҳим ўзгаришлардан бири молиявий рағбатлантириш тизими янгилаштирилади. Устувор йўналишларда тахсил олаётган докторантларга базавий стипендиянинг 1,7 баравари миқдорига тўлов белгила-ниши илмий фаолиятни ижтимоий жи-ҳатдан ҳам жозибдор қилади.

Тадқиқот ишлари учун зарур ускуна ва материалларга ҳар ой қўшимча 30 фоиз маблағ ажратилиши илмий жараён-ни амалда қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Бу, айниқса, лаборатория талаб қиладиган йўналишларда илмий нати-жаларни тезлаштириш ва назария билан амалиёт ўртасидаги узиллишни қисқарти-ради.

Айнан шу ерда тизимнинг мантқиқий давоми шаклланади: кадрлар устувор йўналишларга йўналтирилгани асноси-



да уларни тайёрлаш учун молиявий ва инфратузилмавий асос ҳам кучайтирил-моқда. Бу икки омил уйғунлиги янги илмий муҳитнинг биринчи пойдеворини яратяди.

Илмий муҳитнинг кейинги ҳал қи-лувчи бугунги кадрлар танлови ва улар-ни тайёрлаш сифати ҳисобланади. Фар-монда бу йўналишда энг муҳим ўзгариш

сифатида докторантурага қабул қилиш тартибининг қайта кўриб чиқирилиши бел-гиланганидир.

Энди устувор йўналишларда кириш имтиҳони ўрнига илмий тадқиқот иши тақдироти асосида танлов ўтказилади. Бу ёндашув илмий жараёнга кириб келаёт-ган номзоднинг хотира ёки тест кўник-масини эмас, балки мустақил фикрлаш, муаммо қўйиш ва ечим таклиф қилиш салоҳиятини баҳолаш имконини беради.

Бу ўзгариш табиий равишда илмий раҳбарлик институтига ҳам таъсир қи-лади. Илмий раҳбар энди фақат расмий ку-затувчи эмас, балки илмий жараённинг фаол иштирокчиси сифатида намоён бўлиши керак. Шу сабабли раҳбарга ўз соҳасида илмий тажрибига эга бўлиш та-лаби қўйилмоқда.

Бу ерда тизимнинг ички мантқиғи аниқ кўринади: илмий раҳбар масъулия-ти фақат жараённи кузатиш бўлмайди, у натижа учун жавобгарлиқни ҳам ўз зим-масига олади. Натижада илмий муҳитда формал ёндашувлардан аста-секин воз кечилади.

Илмий аттестация тизимида ҳам ин-ституционал ўзгаришлар амалга оширил-моқда. Олий аттестация комиссиясининг Фанлар академияси тизимига ўткази-лиши илмий даража бериш жараёнини академик муҳитга яқинлаштиради. Бу эса қарор қабул қилишда илмий муста-қиллиқни кучайтиради.

Комиссия раиси 5 йил муддатга та-йинланиши, бир шахснинг кетма-кет икки мартадан ортққ ушбу лавозимни эгаллай олмаслиги ва раёсат тарки-бининг босқичма-босқич янгилашиб бориши тизимда барқарор ротация ва янгилашиш муҳитини таъминлай-ди. Бу эса узоқ муддатли бир хиллик ва монопол таъсирларнинг олдини олади.

Фармон алоҳида-алоҳида ўзгариш-лардан иборат эмас, балки илм-фан со-ҳасини ягона тизим сифатида қайта та-ш-кил этишга қаратилган кенг қамровли ҳужжатдир.

Бир томондан, устувор йўналишлар орқали давлатнинг илмий эҳтиёжлари аниқлаштирилмоқда. Иккинчи томон-дан, молиявий рағбат ва моддий қўллаб-қувватлаш тизими кучайтирилмоқда. Учинчи томондан эса кадрлар танлови, раҳбарлик ва аттестация тизимида си-фатга йўналтирилган янги мезонлар жо-рий этилмоқда.

Бу уч йўналиш бир нуқтада туташ-ди: илмий фаолиятни формал жараён-дан чиқариб, реал натижа яратишга йўналтириш. Шу орқали тадқиқотлар фақат ҳисобот ёки диссертация шаклида эмас, балки иқтисодиёт ва жамият учун амалий қийматга эга ечимлар сифатида шаклланади.

Энг муҳими, бу ислохотлар илмий муҳитни ёпиқ тизимдан очик, рақобат-ли ва халқро мезонларга уйғун маконга айлантиради. Янгилашнининг муяйя-ти ҳам айнан шунда — билимини қўпай-тириш эмас, балки унинг таъсир кучини оширишда.

Мазкур фармоннинг тўлиқ ижроси яқин келажакда янги авлод, рақобатбар-дош ва инновацион фикрлайдиган илмий кадрлар шаклланиши билан намоён бў-лади.

Собир ТУРСУНОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор

“Бир томондан, устувор йўналишлар орқали давлатнинг илмий эҳтиёжлари аниқлаштирилмоқда. Иккинчи томондан, молиявий рағбат ва моддий қўллаб-қувватлаш тизими кучайтирилмоқда. Учинчи томондан эса кадрлар танлови, раҳбарлик ва аттестация тизимида сифатга йўналтирилган янги мезонлар жорий этилмоқда.”

Шу вақтга қадар интернет тармоғидан, хусусан, Google ёки бошқа қидирув тизимлари орқали Ўзбекистонга оид ёрқин ва сифатли сурат ёки видеоматериаллар изланганда, кўп ҳолларда сифат даражаси паст ёхуд турли ёзув ва логотиплар туширилган контентлар тақдим этилар эди. Айниқса, ҳудудлар кесимида ёки дрон ёрдамида тасвирга олинган замонавий медиаматериалларни топиш фойдаланувчилар учун катта-кичик қийинчиликлар туғдирарди.

Айнан шу муҳим эҳтиёгга ечим ўларок, ОАВ учун контент тайёрлаш маркази томонидан Ўзбекистоннинг бой маданияти, бетакор табиати ва замонавий қиёфасини ўзида мужассам этган Марказий Осиёдаги илк медиабанк — “Aura.uz” плат-формаси жамоатчиликка тақдим этилди.

Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад мам-лакатимизнинг ижобий имижини маҳаллий ва

бўлмайд. Шунингдек, видеоматериаллар анъана-вий горизонтал (16:9), замонавий вертикал (9:16) форматларда ҳам тақдим этилади. Қолаверса, му-камал қидирув тизими ёрдамида фойдаланувчи-лар керакли материалларни йил фасллари, суратга олинган вақт (кундузи ёки тунда), ҳудудлар ва со-ҳалар кесимида осонгина саралаб топиш имконига эга бўлади.



Ташаббус

ЮРТИМИЗНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ НАМОЁН ЭТУВЧИ ПЛАТФОРМА

халқро аудиторияга юқори сифатли визуал кон-тентлар орқали кенг тарғиб қилишдан иборат. Бу эса, ўз навбатида, глобал тармоқда Ўзбекистон ҳақидаги профессионал фото ва видеоматериал-лар ҳажмини 1000 баробар ошириш имконияти-ни яратяди.

Бугунги кунда “Aura.uz” серверларида қарийб 6 терабайт ҳажмдаги улкан маълумотлар базаси шакллантирилган. Платформада 12 мингдан зиёд энг сара фото, видео ва инфографика жамланган бў-либ, ҳар кунни ўртача 200 га яқин янги контент билан мунтазам тўлдириб боришмоқда.

Мазкур базани шакллантиришда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, вазирлик ва идо-раларнинг ахборот хизматлари ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги материалларидан кенг фойдаланилган. Бошқача айтганда, шу вақтга қадар турли ташкилотларда бюджет маблағлари ҳисобидан яратилган контентлар ягона базага жамланиб, чуқур саралашдан ўтказилди. Нати-жада кенг жамоатчилик фойдаланиши учун энг сифатли ва мукамал контентлар очик эълон қи-лишмоқда.

“Aura.uz” платформаси медиа соҳа вакилларига қатор техник қўлайликларни тақдим этади. Хусус-ан, тизимга фақатгина юқори аниқликдаги (HD, Full HD, 4K ва ундан юқори) контентлар жойлаш-тирилади ҳамда айни материалларнинг барчаси мураббийлик чекловларидан холи бўлиб, уларда ҳеч қандай қўшимча ёзув, логотип ёки субтитрлар

Платформадаги мавжуд контентлар санъат, ур-банзация, спорт, тарихий обидалар, табиат ва миллий анъаналар каби йўналишлар бўйича тизим-лаштирилган. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг хорижий ва мамлакатимиз бўйлаб ташрифлари оид видеоматериаллар ҳамда “Янги Ўзбекистон” туруқмидаги махсус контентлар алоҳида бўлимлар-га жойлаштирилган.

“Aura.uz” фақатгина тайёр контент улашувчи маълумотлар базаси эмас, мустақил ижодкорлар учун ўзига хос очик майдон ҳамдир. Исталган сураткаш ёки видеооператор ўз материалларини мазкур платформага жойлаштириш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, истиқболда платформа доирасида махсус монетизация тизимини жорий этиш ҳам кўз-да тутилган.

Бир сўз билан айтганда, “Aura.uz” Ўзбекистон-нинг замонавий визуал қиёфасини дунёга намоён этувчи ва миллий медиамакондаги энг долзарб муаммолардан бирини ҳал этишга хизмат қилувчи инновацион платформадир. Қолаверса, ушбу ресурс маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари, журналист-лар, блогерлар, дизайнерлар, умуман олганда, ме-диа соҳаси ходимлари ҳамда юқори сифатли кон-тент яратиш истағида бўлган ҳар бир инсон учун чинакам маълумотлар хазинаси вазифасини ўтайди.

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙДАН – ОЛИЙ ТАЪЛИМГА

УМИДБАХШ ВА АНИҚ МАҚСАДГА АСОСЛАНГАН ЙЎЛ

баравари миқдорид) ҳаражатларни қисман қоплаган ҳолда, имтиёзли озик-овқат билан таъминланаётгани ушбу таълим ташкилот-ларида ўқишга қизиқишининг янада ортиши-га хизмат қилляпти. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига асосан академик лицей-ларда ўқув гуруҳлари таркиби 26 ўқувчидан ортққ бўлмаган тарзда шакллантириляпти. Чунки ўқувчилар сонининг кўплиги билим бериш сифатига салбий таъсир қилади. 8 та академик лицейда халқро таълим таш-килотлари билан қўшма дастурлар ташкил этилган. Эндиликда бундай дастурларни ҳам кўпайтириш мақсад қилиняпти.

2017/2018 ўқув йилидан академик лицей-ларда ўқиш муддати икки йил этиб белгилан-ди. Битирувчиларга махсус чуқурлаштирил-ган тайёргарлик талаб этмайдиган алоҳида мутахассисликлар бериш тўғрисидаги давлат намунасидаги сертификат бериш тизими йўл-га қўйилди.

модлицейларда ўрнатқ кўрсатган педагог ва ходимларга лавозим маошининг 100 фоизи-гача миқдорига ҳар ойлик устама тўлиниши белгиланган.

ОТМларга академик лицейларнинг мод-дий-техник базасини мустаҳкамлаш, кан-целяри жиҳозлаш, дастурий махсулотлар, замонавий ахборот-коммуникация воситала-рини харид қилиш, тайёрлов ўқув адабиёт-ларини нашр этиш, лицейлар веб-сайтлари-ни яратиш ва таъминлаб бориш, масофавий таълим технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш ҳуқуқи берилиди. Ҳар бир вилоятда биттадан академик лицейнинг ўқув-лаборатория хоналари (кимё, биология,

физика) замонавий ўқув-лаборатория жи-ҳозлари билан таъминланди. Академик ли-цейларнинг ўқув режасидаги умумтаълим фанлари ўқув жараёнида умумтаълим мак-табларининг 10-11-синф ўқувчилари учун ишлаб чиқилган миллий ўқув дастурла-рдан тўғридан тўғри фойдаланиш ҳамда 10-11-синфлар учун яратилган дарсликлар билан бепул таъминланиши йўлга қўйилди.

Танлов имконияти кенгайди

Академик лицейларга ўқувчилар қабу-ли учун ҳужжат топшириш жараёни тўлиқ

рақамлаштирилган. Ҳужжат топширувчилар Ягона интерактив давлат хизматлари порта-ли ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали ҳар йили 10 июндан 10 июлга қадар бепул рўй-хатдан ўтказилади. Абитуриентларга рўйхат-дан ўттишда учтагача академик лицейнинг таълим тили бир хил бўлган биттадан мос йўналишни танлаш имконияти берилиди. Абитуриент ўзи танлаган ҳудудда (Қорақал-поғистон Республикаси, вилоятлар маркази ёки Тошкент шаҳрида) ташкил этиладиган кириш тест синовларида иштирок этиши бел-гиланди.

Талабалikka бир қадам

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб академик лицейлар битирувчиларига QR-код қўйилган янги намунадаги диплом ҳамда намунали ўқувчиларга олтин ва кумуш медаллар бериш тизими йўлга қўйилди. Яратилган шароитлар натижаасида академик лицей битирувчилари-нинг ОТМга ўқишга кириш кўрсаткичи йил-дан йилга ошиб бормоқда. 2017 йилда айни кўрсаткич 53 фоизни ташкил этиб бўлса, ҳо-зир 93-94 фоизга етди. Ўтган йили 10 дан ор-тиқ академик лицейда 99-100 фоиз битирувчи талабалikka тавсия этилди.

Бу йил 500 га яқин академик лицей ўқув-чилари 4-5 тадан сертификатга эга. Бу шунча ўқувчи олий таълимга қабул қилиниши аниқ, дегани. Шунингдек, хорижий олий таълим муассасаларига грант ютганлар ҳам талайти-на. Умуман олганда, бугун академик лицей-лар учун ҳам жуда кўп имкониятлар, қўлай-ликлар яратиб берилган.

Муножат МҰМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



УШБУ МАҚОЛНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

Камолот пиллапоёси

Шу кунларда республикамиз умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари яқиний имтиҳонларни топширяпти. Таълимни мактабда давом эттирадиганлар, техникумга борадиганлар қаторида академик лицейларда ўқиш истағидигилар ҳам бор, албатта. Маълумотларга кўра, ўтган йили академик лицейлар учун ажратилган 15 мингдан зиёд ўқувчи ўрнига 44 мингга яқин талабгор бўлган.

2026/2027 ўқув йили учун олий таълим муассасалари ҳузурдаги академик лицей-ларга тасдиқланган қабул параметрларига кўра, республика бўйича 69 та академик лицейга 14 минг 898 ўқувчи қабул қилинади. Ажратилган квоталарнинг асосий қисми ўз-бек тилида таълим олувчилар ҳиссасига тўғ-ри келади.

Ҳўш, академик лицейларни танлаётган ёшлар нималарга эришяпти? Улар шу йўлдан бориб тўғри қиялптимми? Ушбу таълим таш-килотларининг асосий вазифалари нималар-дан иборат ва улар ўзини оқиялптимми?

Саволларимизга Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг кадрлар мала-касини ошириш ва академик лицейлар фа-олиятини мувофиқлаштириш бўлими бошли-ғи Олимжон Йўлдошев тизимдаги энг сўнгги маълумотлар асосида жавоб бери.

Сараланган ёшларга қўлайликлар

Академик лицейлар ўрта махсус таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлашга их-тисослашган, давлат таълим стандартларига мос равишда ўрта махсус маълумот беришчи давлат таълим ташкилоти. Бугун респу-блика олий таълим муассасалари ҳузурда 73 та академик лицей фаолият қоритмоқда. 70 фоизга яқинида ётоқхона мавжуд. Ётоқ-хонаси йўқ лицейларда ҳам ётиб ўқишга муҳтож оилалар фарзандлари учун олий таълим муассасаси ётоқхоналаридан жой ажратилади. Олис ҳудудлардан қабул қилин-ган ўқувчилар белгиланган тартибда ётоқхо-на ҳамда ота-оналар тўлови ҳисобига (ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир

Меҳнат қилган ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам рағбат олади

Олий таълим муассасаларининг профес-сор-ўқитувчилари, жумладан, раҳбар ходим-лари белгиланган тартибда академик лицей-ларнинг дарсларига жалб қилиниши таълим сифатининг янада ортишини таъминляпти. Хорижий тилларни билиш даражасини бел-гиловчи ва умумтаълим фанлари бўйича миллий ёки халқро тан олинган сертификат-ларга эга ўқитувчиларга эса 50 фоиз устама берилади. Яхши ўқидиган ўқувчилар ҳам қонуний тарзда ректор томонидан мукофот-ланади. Бўйсунон бўйича тегишли олий таъ-лим муассасасининг молиявий имкониятидан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари, жумладан, тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан акаде-

Шоир битганидек, "кўп жаҳонгир кўрган бу дунё". Бундан етти аср муқаддам эса диёримиздан "забтга олиб кенг Осиёни, мағрур, давонгир бир зот чиқди"ки, унинг мўътабар номи, эзгу амалларию адолати замонлар силсиласи, сархалларидан мардонвор ўтиб, то бугунгача авлодлар учун фахр ва илҳом манбаи бўлиб келмоқда.

Амир Темур! Буюк аждодимизнинг бемисл зафарлари, эл-улус фаровонлиги йўлидаги улкан ишлари, бугун ҳам ҳайрат билан боқадиганимиз ёдгорликлар — маҳобатли биналору бунёд этилган боғ-роғлар ҳақида қанча гапирсак, ифтихор қилсак кам. Айни вақтда Соҳибқирондан мерос маънавий хазина, адолат қомуси — "Темур тузуқлари" ҳам халқимиз ва ватанимиз учун юқоридаги саналган барча ишлардан ҳеч кам бўлмаган аҳамият касб этади.



"Темур тузуқлари" — миллий давлатчилигимиз дастури

ЖАҲОН АҲЛИНИ ҲАМОН ҲАЙРАТГА СОЛИБ КЕЛАЁТГАН АСАРНИНГ СИРИ НИМАДА?




Биз миллий давлатчилигимиз дастури дея эътироф этилаётган асарнинг асл мазмун-моҳияти ҳамда тарихий аҳамияти ҳақида қизиқиб соҳа мутахассисига юзландик. Саволларимизга жавоб берар экан, "Темур тузуқлари"нинг миллий давлатчилигимизда тугган ўрни бекиёс, — дейди суҳбатдошимиз, **Темурийлар тарихи давлат музейи директори Хуршид ФАЙЗИЕВ**. — У зотнинг қомусий асарига баён этилган давлатчилик ва дипломатия, ҳарбий маҳорат ва бунёдкорлик салоҳияти, илму фан, санъат ва меъморлик оид қарашлар, инсонни улғайтирган эзгу ишлар, жиддий ва холисона, адолатли, ишончли кенгаш ва тadbирлар ҳамда улар қонун доирасида адо этилгани, бажарилиши асар йўлга қўйилгани ҳақидаги ҳикоялар, дину дённат ва маънавий баркамолликни кўзлаб юритилган сиёсат, эл манфаатини ўйлаб иш туттиш билан боғлиқ ноёб фазилатлар алоҳида эътиборга лойиқ. Энг муҳими, мазкур асар тўғрисида Темурийлар сулоласи дунёда Иккинчи Уйғониш даврини юзага келтирди. Улар қондорган улкан илмий ва маданий мерос, хусусан, "Темур тузуқлари" асари ҳамон жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда".

этилди. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган мазкур янги нашр Соҳибқирон илгари сурган давлат ва жамият бошқарувидаги тамойилларни чуқур ўрганиш, уларни дунё ҳамжамияти эътиборига етказиш, шунингдек, уни тарғиб ва ташвиқ қилишда алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Соҳибқирон Амир Темур жаҳон ҳукмдорлари орасида давлатчилик тамойилларининг ўзига хос жиҳатларини ишлаб чиққан шахс сифатида маълум ва машҳурдир. У шохона тахтда туғилмади. Мўғулларнинг жабр-зулми тўғрисида турли бекликларга бўлинган тарқок жамиятда таваллуд топди ва воёга етгач, халқнинг оғир шароитда кун кечираётганини кўриб, жавонмард бек сифатида ўзини улардан қардор деб билди. Амир Темур сиёсат майдонига кириб келган пайтда Мовароуннахр мўғуллар истибодиди остида инграмоқда эди. Дарҳақиқат, Чингизхон ва Ботухон босиб ўтган ерларнинг кули кўкка соврулган, шаҳар ва қишлоқлар вайронга айланган, сув иншоотлари бузиб ташланган ёки ишга яроқсиз ҳолга келтирилган эди. Амир Темур балоғатга етгач, ватани мўғул истибодидан халос қилиш йўлини қидира бошлади. 1357 йиллардан бошлаб қарийб 13-14 йил давомида юрт озодлиги учун қаттиқ ва кескин кураш олиб борди.

Мовароуннахрда ҳукм сураётган оғир сиёсий, иқтисодий шароитда мўғул истибодига қарши озодлик байрогини баланд кўтариб майдонга чиққан ва халқнинг асрий эзгу нияти — мустақилликни қўлга киритган етук тарихий шахс Амир Темурдир.

Мўғулстон ҳукмдори Туглуқ Темурхонга Мовароуннахрдаги сўнгги воқеалар, яъни баҳаллий аҳолининг ҳокимиятга интилиб, жойларда вужудга келаётган халқ ҳаракатлари



Табиийки, амакиси Ҳожи Барлос билан бирга 24 ёшли Амир Темур ҳам сафар тараддудида эди. Аммо жавонмардлик руҳида тарбияланган Амир Темурда орият, ҳамият кучли бўлиб, ватани, халқи бошқа оғир кунлар соя солиб келаётган бир пайтда юртни душман иродасига ташлаб, ўзи четда томошабин бўлиб туролмасди. У қатъий фикрга келиб, "Сиз бораверинг, қийин кунда мен эл ичида бўлишим керак", дея амакиси Ҳожи Барлосни Хуросонга кузатиб, ўзи Кешга қайтиб келди.

Амир Темурнинг мазкур мардона иши бутун бир юртни вайрон бўлишдан, аҳолининг жабр-зулм кўришидан асраб қолди.

каби масалалар содда ва ихчам тарзда баён қилинади.

"Темур тузуқлари"нинг иккинчи китобида Соҳибқироннинг авлодларига давлат бошқаруви сир-синоатлари, ҳукмдорнинг ҳар қандай вазиятда ҳам муҳим қарорлар қабул қила олиш қобилиятига эга бўлиши, бу борада кимларга таяниш, вазир ва саркардаларни қандай усуллар билан танлаш, уларнинг бузру ва мажбуриятлари, қўшиннинг тузилиши ва ҳарбий ҳолат даврида ҳаракатланиш тартиб-қоидалари, оддий аскар вазифалари ва уларга тўланадиган маош, амирлар, вазирлар ҳамда бошқаларнинг давлат ва ҳукмдор олдига кўрсатган хизматларини муносиб тақдирлаш тузуғи каби масалалар ҳақида сўз юритилади.

— **Асарнинг омалашуви қандай кечган ва қайси мамлакатларда кимлар томонидан нашр этилган?**

— Абу Толиб ал-Хусайний ат-Турбатий "Темур тузуқлари"нинг асл туркий нусхаси, юқорида таъкидланганидек, Ямандаги Жъфъар пошо кутубхонасида сақлангани ва 1610 йилда унинг ижозати билан асарни туркийдан форсчага ўргирганини қайд этган.

"Темур тузуқлари" асарининг Абу Толиб Турбатий таржимасидаги форсий матни инглиз офицерлари томонидан Англияга олиб борилган. Асар инглиз офицери, майор Уильям Деви ва профессор Жозеф Уайт томонидан форсча матни ва инглизча таржимаси билан 1783 йилда Буюк Британияда чоп этилади.

Асарнинг мазкур наشري турли мамлакатларга тарқалди ва жаҳоннинг кўплаб шаҳарларида, хусусан, Калькутта, Техрон, Бомбеида нашр қилинди.

Мустақилликдан аввалги даврларда ва истиқлол йилларида Ўзбекистонда чоп этилган "Темур тузуқлари"нинг ўнлаб нашрлари ҳам мазкур Оксфорд форсий матнига асосланган.

1787 йилда майор Уайт ва Деви нашр этган форсча матн асосида Л.Ланге томонидан асарнинг французча таржимаси Парижда босмадан чиқди.

1892 йилда эса Н.П.Остроумов бошчилигидаги Тошкент гимназисига талабалари томонидан асарнинг французча наشري асосида рус тилига таржимаси ҳам амалга оширилди.

XX асрнинг 60-йилларида Алихонтура Соғуний асарининг Деви ва Уайт нашри асосида чиқарилган тошбосма ва нашрлардан бири амакиси "Тузуки Темурий"ни ўзбек тилига тўлиқ таржима қилган. 1989 йилда эса мазкур наشري Бомбей нашрининг форсча матнига солиштирилган ҳолда ўзбек тилига тўлиқ таржимаси шарқшунос олим Ҳабибулла Кароматов томонидан илмий жамоатчиликка тақдим этилди.

Бугунги кунда "Темур тузуқлари" асарини дунёнинг қатор эътиборли кутубхоналарида, жумладан, Буюк Британия, Франция, АКШ, Финляндия, Дания, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Миср ва Яман қўлемли хазиналарида учратиш мумкин. У қимматли ва ноқир асар сифатида жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Олимлар, тарихчи тадқиқотчилар томонидан ўрганилмоқда.

— **Бугунги авлод нима учун "Темур тузуқлари"ни ўқниш керак?**

— Бу тўғрида узоқ ва кенг фикр билдириш мумкин. Аммо бир-икки мисоллар билан чекланаман. Ушбу китоб миллий давлатчилигимизнинг ноёб намунасидир. Асардаги ҳар бир сўз, жумладан, ўн икки тузуқ, ўн икки қонда, ўн икки тоифа ҳақидаги сўзлар, вазирлар, амир ва беклар, қўшин бошлиқлари, сипоҳлар, молия ишлари бўйича ходимлар, солиқчилар ва бошқа

соҳа вакилларини танлаш, тақдирлаш, улар билан муомала қилиш тузуқлари бугунги ёшларнинг иш юритиш сазъ-ҳаракатларида муҳим қўлланма вазифасини ўтайди. Шу ўринда асарда зикр этиб ўтилган ўн икки тоифа ҳақидаги қайдлардан мисоллар келтириб ўтишни жоиз топдик.

Биринчи тоифа — сайийдлар, уламо, шайхлар ва фозилларни ўзимга яқинлаштирдим. Улар менинг саройимга доимо келиб-кейтиб, мажлисларимни бебаб турарди. Диний, ҳуқуқий, ақлий масалаларни ўртага ташлаб, қимматли фикрлар билдирарди.

Иккинчи тоифа — ақли кишилар ва кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор, қатъиятли арбоблар, кейинини ўйлаб, олсини кўриб иш юритувчи, кекса ва тажрибали кишиларни хос мажлисимга киритиб, уларнинг сўхбатларидан, ишларидан наф олиб, тажрибалар ҳосил қилардим.

Учинчи тоифа — дуоғўй кишиларни қадрладим. Хилватда улардан дуолар тилаб, истакларимнинг бажо этилишини ўтиниб сўрардим. Мажлисларда, йиғинлар, базмлар ва

жанг майдонларида улардан кўп баракотлар топдим.

Тўртинчи тоифа — амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолорларга мажлисимдан ўрин бериб, мартабаларини юқори кўтардим. Улар билан сўхбатлашиб, маслаҳатлар олдим.

Бешинчи тоифа — сипоҳ ва райят бўлиб, ҳар иккисига бир кўз билан қарадим. Сипоҳийлардан чиққан баҳодирлар, доворакларга махсус фахрли ўтоғ, камар ва ўқдан тақдим этиб, мартабаларини кўтардим.

Олтинчи тоифа — ишончли, тўғри эътиқодли оқил-хирадманд кишиларким, давлат сирларини уларга очиб, салтанат ишлари бўйича улардан маслаҳат олишимга лойиқ эдилар. Бу тоифа кишилар билан сирдошлик қилиб, ўз махфий ишларим ва пинҳоний сир-асоримни ушаларга топширдим.

Еттинчи тоифа — вазирлар, девон котиблари ва мунишйларки, салтанатим саройини шулар билан безатдим. Буларни менга тобе мамлакатларни кўрсатувчи кўзга деб билдим.

Саккизинчи тоифа — ҳақимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандисларки, улар салтанат корхонасига ривож бевуқилардир. Уларни ўз атрофимга тўпладим. Ҳақимлар ва табиблар билан иттиқоқда беморларни даволатар эдим. Мунажжимлардан сайёраларнинг қутлуг-қўтсиз кунлари, уларнинг ҳаракати ва осмонда айланишини аниқлаб олардим. Муҳандислар билан иттиқоқда олий иморатлар барпо этиб, боғу бўстонларнинг тарҳини чиқарардим.

Тўққизинчи тоифа — муҳаддислар, (пайгамбар, унинг авлодлари ва саҳобалари) ҳақида ривоятлар нақл қилувчилар ҳамда қиссахонлар бўлиб, улар ҳам ўзимга яқинлаштирдим.

Уннинчи тоифа — машойихлар, сўфийлар, (Худони таниган) орифлардир. Уларнинг хизматларида бўлиб, сўхбатлар қурдим ва охираг фойдаларини олдим. Улардан Тангри таолонинг сўзларини эшитиб, кароматлар кўрдим, мўъжизаларини мушоҳада этдим ва сўхбатларидан роҳатланиб, хузур қилдим.

Ўн биринчи тоифа — қасбу ҳунар эгаларидир: буларнинг ҳар тоифа ва синфидан бўлганларини давлатхонамга олиб келиб, ўз ўрдамдан ўрин белгиладимки, сафардаю турғунликда сипоҳимга керак арқоқлар ҳамда бошқа жиҳозларни ҳозирладилар.

Ўн иккинчи тоифа — ҳар мамлакат ва диёр саёхатчиларини мусофирларнинг бошини силадим, улар турли мамлакатлардан менга ҳабар келтириб турдилар.

Соҳибқирон Амир Темурнинг мамлакатни бошқаришда амал қилган ўн икки тузуқи, давлат ишларига жалб этилган ўн иккита тоифа ва бошқа тузуқ тамойиллари билан сиёсий қайта таништиришдан мақсадимиз уларнинг ҳар бири бугунги кунимиз учун ҳам бениҳоят муҳим қўлланма эканини аниқлаштирдир. Чиндан ҳам биз қадрлайдиган, эъзозлайдиган абадий мерос — Соҳибқирон Амир Темурдан қолган кўрсатмалар — тузуқлар адолат билан иш юритишда, бағрикенгликни улуглаб, дунёда дўстликни шарофлаб, тинчлик ва тарққийёт учун хизмат қилишида, айниқса, ёш авлодни ҳар томонлама билимли, мард, жасур, ватанпарвар, халқпарвар, янги ташаббус ва ғоялари илгари сурувчи комил ҳамда баркамол шахс сифатида тарбиялашимизда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ.

"Янги Ўзбекистон" муҳбири
Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ
сўхбатлашди.

"Темур тузуқлари" асарининг Абу Толиб Турбатий таржимасидаги форсий матни инглиз офицерлари томонидан Англияга олиб борилган. Асар инглиз офицери, майор Уильям Деви ва профессор Жозеф Уайт томонидан форсча матни ва инглизча таржимаси билан 1783 йилда Буюк Британияда чоп этилади.



кутубхонасида асарнинг туркийда битилган нусхаси билан танишди. Бироқ асарнинг мазкур нусхаси давримизгача етиб келмаган ёки ҳозиргача топилмаган.

— **Сизнингча, бу китобни ёзишдан кўзланган асл мақсад нима эди?**

— Соҳибқирон Амир Темур ўзидан кейин ҳам фарзандлари, мард ва жасур авлодлари, садоқатли зурриётлари томонидан Турон юрти адолатли бошқарилишини истаган эди. Шу боис, у "Тузуқлар", яъни қонунлар мажмуасига тартиб берди. Бу ҳақда унинг ўзи "Салтанатни бошқариш учун қўлланма ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим, авлодим ва зурриётларимдан бўлганларининг ҳар бири унга мувофиқ иш тутсинлар", дея қайд этган. Демак, "Темур тузуқлари" узоқни кўзлаб ёзилган қомусий асар. Уни ҳаётто ўз даврининг конституцияси деб таърифлашди.

"Темур тузуқлари" асари икки китобдан иборат бўлиб, биринчи китобда Соҳибқироннинг таржimai ҳоли, ўша давр ижтимоий, сиёсий воқеалардаги ўрни ва роли, Мовароуннахрда марказлашган ҳокимият қуриш йўлидаги фаолияти, шунингдек, улкан салтанатни барпо этиш борасида юритган сиёсати, ҳарбий юришлари, чора-тадбирлари, давлат асосларини мустаҳкамлаш йўлида турли ижтимоий табақаларга нисбатан муносабати

Соҳибқирон Амир Темур 1370 йилда қақирилган катта қурултойд ҳукмдор этиб сайланганида давлатчилик, молия, солиқ тизимлари барбод бўлган, на иқтисодий ўсиш, на маънавий баркамоллик ва на халқнинг бекларга ишончи, на бирор соҳада олға силжиш бўлмаган. Соҳибқирон ана шундай мураккаб ва оғир шароитда қандай йўл тутган деб ўйлайсиз? У, биринчи навбатда, адолатга таъинган қонунларни ҳаётга жорий этди.

Бу қонунлар адолат ва ишонч билан йўрилган кўрсатмалардан иборат эди. Амир Темур аввало куч адолатга, иқтисодиёт маънавиятга уйғун ислохотларни амалга оширди. Халқдан ҳеч нарса ни яширмади. Бу жаҳоннинг ҳеч бир ҳукмдорида кузатилмайдиган, исбот талаб этмайдиган ҳақиқатки, ҳамон унинг бундай адолати кўплар учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу улкан илм, катта уммон йўқ бўлиб кетмаслиги керак ва шарт эди. Шу боис, уларни Соҳибқирон ўз пайтида қозоғга туширди. Бугунги кунда "Темур тузуқлари" асари миллий давлатчилигимизнинг асосларидан бири дея баҳоланаётгани бежиз эмас. Мазкур асар нафақат қонунлар мажмуаси, балки асосланган, ишончли стратегия ва амалда синалган тактика бўлиб, унинг нуфузи бугун ҳам кундан кунга ошиб бормоқда. Шу боис, мазкур китоб сиз айтган жиҳатларнинг барчасини ўзида мужассам этади.

— **Китоб қайси тилда ёзилган?**

— Бу муҳим савол. "Темур тузуқлари" асари дунёнинг турли тилларига таржима



— **"Темур тузуқлари"нинг ҳаётий аҳамияти ва моҳиятини қандай тушуномимиз керак? Ҳарбий қўлланмами, ижтимоий-иқтисодий ёхуд сиёсий асарми?**

— Мазкур саволни жуда кўп тақдорлашди. Гап шундаки, "Темур тузуқлари"га қизиқиш бутунги кунда ҳам тобора ортиб бормоқда. Жорий йилда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги муносабати билан "Темур тузуқлари" Президентимизнинг асарга ёзган сўзбошиси билан уч тилда нашр

тинчлик бермай қўйган. Туглуқ Темурхон Чингизой наслидан Дувахоннинг набираси бўлиб, Мовароуннахр — Чингизой улусини ўз тасарруфига киритишни режалаштирганди. Ўша пайтда ўлкада кечаётган сиёсий жараёнлар унинг режаларини амалга ошириши учун туртки бўлади. У 1359 йилда катта қўшин билан Мовароуннахрга бостириб киради. Кеш вилояти ҳукмдори Ҳожи Барлос Туглуқ Темурхонга бардош бера олмаслигини фахрлаб, ўз яқинлари билан Хуросонга чекинади.